ФОНЕТИК ГРАДУОНОМИЯ МУНОСОБАТЛАРИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ (француз ва ўзбек тиллари мисолида)

Г.А.МАМАСОЛИЕВА

Мақолада фонологик бирликлар ўртасидаги градуал муносабатнинг унлилар парадигматикасида намоён бўлиши масаласи ёритилган. Француз ва ўзбек тиллари материаллари қиёсий тадқиқ қилиниб, уларнинг ушбу тилларда ифодаланиши хусусида фикр юритилади.

***Таянч сўзлар**: приватив оппозиция, градуал оппозиция, эквиполент оппозиция, фонологик белги, фонологик градуономия, морфологик градуономия, даражаланиш муносабати, қўшимча белгилар, парадигматик муносабат, назаллик белгиси, очиқлик белгиси, ёпиқлик белгиси, бурун унли товушлари.*

В статье рассматривается проблема выражения градуальных отношений между фонологическими единицами в парадигме гласных. Сопоставляются материалы французского и узбекского языков и на их основе высказывается мнение об их представлении в данных языках.

***Ключевые слова:** привативная оппозиция, градуальная оппозиция, эквиполентная оппозиция, фонологические единицы, степени градации, дополнительные единицы, парадигматические отношения, указатель назальности, указатель открытости, указатель закрытости, носовые гласные.*

This article discusses the study of the problem of expression of the gradual relations between phonological units in a paradigm of vowel. It compares the materials of the French and Uzbek languages on this basis opinion about their expressions in these language.

Key words: *privative opposition, gradual opposition, equipollent opposition phonologic units, degrees of graduations, additional units, nasal indexes, openness index, closeness index, nasal vowels.*

Тил структураси сатҳли тузилишга эга бўлиб, сатҳ бирликлари ўзаро интегратив муносабатда бўлади. Бирликлар ўртасидаги муносабатлар уларнинг бир сатҳга ёки турли сатҳга мансублигига кўра белгиланади. Бир сатҳга мансуб бирликлар ўртасида парадигматик муносабат мавжуд бўлиб, улар яна ички муносабат турларига эга бўлиши мумкин. Н.С.Трубецкой “Фонология асослари“ (“Основы фонологии”) асарида маъно ажратувчи оппозицияларнинг аъзолари ўртасидаги муносабатга кўра уч тамойил асосида тасниф қилган:

– приватив;

– даражали (градуал);

– тенг қийматли (бир хил аҳамиятли).

А.Абдуазизов “Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси” асарида Н.С.Трубецкойнинг фонологик оппозицияларнинг аъзоларига кўра келтирган иккинчи таснифи борасида алоҳида тўхталиб, ушбу муносабатларни ўзбек тилига чоғиштириб кўрсатади [1.31–32]:

а) агар оппозициянинг бир аъзосида бўлган белги иккинчи аъзосида бўлмаса, «**приватив**» оппозиция дейилади. Бунда белгиларнинг қариндошлиги ҳисобга олинади: жарангли-жарангсиз **б-п, т-д, к-г** каби. Бизнинг фикримизча, француз тилидаги **b-p, t-d, k-g** товушлари оппозициялари бунга мисол бўла олади;

б) агар оппозициянинг аъзолари ўртасига яна бошқа фонемаларни қўйиш мумкин бўлса, **«поғонали» (ёки градуал) оппозиция** дейилади. Масалан, ўзбек тилида **п-к, б-г** оппозициялари ўртасига **т** ва **д** фонемаларини қўйиш мумкин. Француз тилида ҳам юқоридаги товушлар оппозицияси мавжуд;

в) оппозициянинг аъзолари мантиқий жиҳатдан тенг бўлиб, улардаги белгилар поғонали бўлмаса ва белгиларнинг бор ёки йўқлигини тасдиқ ёки инкор этмаса, «тенгҳуқуқ» (ёки «эквиполент», «равнозначный») оппозиция дейилади. Ўзбек тилида **п-т, ф-к, к-п, б-д, д-г, г–в** оппозициялари тенг ҳуқуқлидир.

Ўзбек тилида даражаланиш муносабатининг намоён бўлиши, жумладан, фонологик ва морфологик градуономия муносабати О.Бозоров томонидан ўрганилган, бироқ ўзбек ва француз тиллари фонологиясидаги даражаланишни кенг қиёслаб, чоғиштириб ўрганиш тилшуносликнинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

“Табиий ва ижтимоий олам турлари билан тил дунёси орасида асл ва тажалли муносабат мавжуд. Демак, аслида (табиий, ижтимоий борлиқларда) мавжуд бўлган даражаланишнинг инъикосида акс этмай қолмаслигини тушуниш қийин эмас. Шундай экан, борлиқ ва тилдаги даражаланишларнинг ўзаро муносабати масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Борлиқ ранг-баранг ва чексиз ўзгариб турувчи нарса, ҳодисалар тизимлардан иборат бўлганлиги учун буларга хос бўлган даражаланишлар ҳам ўта хилма-хил, узлуксиз ва доимий шаклланишдир. Тил борлиққа хос бўлган сон-саноқсиз, узлуксиз ва ниҳоясиз даражаланишларни нотўлиқ акс эттиради... Хуллас, тилдаги даражаланиш бутун олам даражаланиш ҳодисасининг тажалли тарзидаги мавҳум кўринишидир” [2.10]. Муаллиф юқоридаги фикрига мисол тариқасида сувнинг ҳарорати кўтарилиши ва камайишидаги даражаларни кўрсатувчи луғавий бирликларни келтиради.

Маълумки, сўзлар ўзаро маъновий муносабатларига кўра даражаланиш қаторларини ҳосил этади ва унинг энг ёрқин намунаси сифатида **“ўрта”** сўзини ўз ичига олган сўзлар қаторини айтиш мумкин. Шариф Бобожонов ва Икром Исломовнинг “Ўзбек тилининг сўзлар даражаланиши ўқув луғати”да ушбу сўзлар қаторидаги даражаланиш қатори аъзолари ҳақида аниқ маълумотлар берилган. Муаллифлар фикрича, ўрта сўзи билан ифодаланадиган белги, хусусият том маънода ўрталик, оралиқ, яъни икки бир-бирига зид белги оралиғидаги ҳолатни кўрсатади. Ўрта сўзи антонимлар оралиғидан ўрин олса (катта→ўрта→кичик) даражаланиш кам сезилади. Лекин ўрта сўзли бирликлар зид белгилар асосида эмас, маълум бир белгининг камайиши ёки ошиши асосида идрок этилса, маъновий даражаланиш яққол англашилади [3.6].

Муносабатлар нарсаларнинг белги-хусусиятларидаги сифат ҳамда миқдор фарқларини борлиқдаги белгилар асосида кўрсатиб ўтади. Масалан, инсон ҳаёти даврий босқичларининг бошланиш–ниҳояланиш нуқталари оралиғидаги жойлашувига кўра: **чақалоқлик→ гўдаклик→ болалик→ ёшлик→ ўсмирлик→ йигитлик→ кексалик**; белгининг бўёқдорлигига кўра: **чол→ кекса→ қария→ қари→ мўйсафид→ оқсоқол→ бобой**; улғайишнинг ошиб боришига кўра: **чақалоқ→ гўдак→ бола→ ўсмир→ йигит→ чол.**

О.Бозоров даражаланишнинг тилга ва нутққа хос кўринишларини фарқлаш кераклигини уқти-

ради: “Тил ва нутқдаги даражаланишлар ўзаро умумийлик-хусусийлик, мавҳумлик–аниқлик муносабатларида бўлиб, бу икки босқич даражаланиш муаммосининг тадқиқларида алоҳида ҳисобга олинмоғи лозим. Тил даражаланиши муаммо сифатида ўрганилар экан, бу жараёнда қўлланувчи илмий тушунчалар, терминлар, мезонлар, шунингдек, даражаланишнинг тил тизимида намоён бўлиш ҳолатлари (турлари), лисоний даражаланишнинг ёндош ва бошқа тил ҳодисаларига муносабати каби масалалар долзарблик касб этади” [2.45-46].

О.Бозоров жаҳон ва ўзбек фонологиясида қуйидаги бир неча фонологик белгилар асосида иш кўрилишини санаб ўтади: бўғиз (қуйи, ўрта, юқори), ҳалқум ёки фарингал (қуйи, ўрта, юқори), тил (олд, ўрта, орқа) веляр, увиляр, дарсал, саёз тил, орқа, чуқур тил, орқа/ён –латерал, милк (альвеляр, апикал) лаб ёки лабиал (лаб-лаб, лаб-тиш (лаби-денталь), бурун (назал), тиш (денталь), тиш ора (интерденталь), лабланган, ярим лабланган, тил орқа (унли), тил ўрта (унли), тил олди (унли), кенг (оғиз), ўрта кенг (оғиз), тор (оғиз), юқори кўтарилиш (тил), ўрта кўтарилиш (тил), қуйи кўтарилиш (тил), портловчи, сирғалувчи, титроқ, шипилдоқ, унли, ундош, сонор, жарангли, жарангсиз, шовқинли, компактли, бемоллик, узлукчанлик, кескинлик, тон (қуйи, баланд) кабилар [2].

Бизнингча, юқоридаги белгиларга чўзиқлик ва қисқалик белгиларини ҳам қўшиш мақсадга мувофиқ. Чунки француз тили унлилар системасида чўзиқлик ва қисқалик ўзига хос фонологик белгидир.

Юқорида қайд этилган фонологик белгилар француз тилида қуйидагича намоён бўлади:

Les voyelles fermées, les voyelles ouvertes, les voyelles antérieures (aigües), les voyelles postérieures (graves), les voyelles nasales, les voyelles orales.

Consonnes: orales (le voile du palais ferme la cavité nasale) nasales (le voile du palais laisse ouvert le passage par la cavité nasale), sonores (si les cordes vocales vibrent), sourdes (les cordes vocales ne vibrent pas, la glotte est ouverte), occlusives (momentanées, explosives), constrictives (continues, fricatives), sifflantes, chuintantes, labiales, bilabiales, labio-dentales, alvéo-dentales, alvéolaires, post-alvéolaires, palatales, vélaires (dorsal/parisien), bilabio-palatale, bilabio-vélaire .

Ҳозирги давр тилшунослигида, айниқса, турли системадаги тилларда градуал муносабат фонологик нуқтаи назаридан ишланган эмас. Биз юқорида тилга олинган Ш.Бобожонов ва И.Исломовлар луғатидаги даражаланиш қаторларидан келиб чиққан ҳолда, фонологик фарқланишлар қаторини даражалаб ажратишни лозим топдик.

Таркибнинг катта-кичиклигига кўра ўзбек тилида: **фонема→морфема→сўз→қолип**

Француз тилида эса: **phonéme → morphéme → mot → forme (groupe rytmique→syntagme)**

Нутқ бирликлари таркибининг содда-мураккаблигига кўра:

товуш → бўғин → сўз→ тўхтам→ жумла.

sonne → syllabe → mot → groupe rytmique → syntagme → phrase

Овоз иштирокининг кам-кўплигига кўра:

сонор →жарангли→жарангсиз

sonore→sourde

Ш.Бобожонов ва И.Исломовлар луғатида овознинг кам-кўплигига қараб даражаланади. Бизнинг фикримизча, овознинг кам-кўплигига эмас, балки товуш пайчаларининг иштирокига кўра даражалаш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шундай қилиб, товуш пайчаларининг иштирокига кўра:

sonore→sourde

унли→сонор→ундош

voyelle→ sonore→consonne

Пайдо бўлиш ўрнига кўра:

олд қатор→ўрта қатор→орқа қатор

antérieures→interieure→ postérieure

Оғизнинг очилиши ва тилнинг кўтарилиш даражасига кўра:

кенг→ўрта кенг→тор

Француз тилида эса:

очиқ→ўрта→ёпиқ

ouverte→mi- ouverte→fermée

Лабнинг иштирокига кўра:

лабланган→ ярим лабланган→лабланмаган

labialisé→mi- labiale →non labialisé

Ўзбек тили учун қўшимча ҳисобланган белгилар, ўзбек тилидан фарқли ўлароқ, француз тили учун асосий белгилар ҳисобланади. Француз тили унлилар тизими анчагина бой бўлиб, улар сон жиҳатдан ўзбек тили ва бошқа баъзи тилларга, жумладан, рус тилига нисбатан икки ярим ва уч баробар кўпдир.

Француз тили унли товушларининг ўзига хос хусусияти унлилар системасида бурун товушларнинг мавжудлигидир. Д.Набиеванинг аниқлашича, ўзбек тилида назаллик фонологик қимматга эга эмас: “Назаллик белгиси бир қатор ўзбек шеваларида кенг тарқалган бўлса-да, лекин у унли фонемаларни фарқловчи белги бўла олмайди. Фақат қўшимча белги сифатида унлиларнинг вариантини ҳосил қилади. Англашиладики, назаллик белгиси ўзбек тилидаги унлиларнинг парадигматик муносабатида мавжуд эмас. У фақат синтагматикада ёндош бурун ундошларининг таъсирида қўшимча белги сифатида пайдо бўлади” [4.79].

Француз тилида бурун унли товушларини талаффуз қилишда тил орқа қисмини ортиқча кўтармаслик ва уни юмшоқ танглай билан жипслаштириб юбормаслик керак, акс ҳолда овоз тембри ўзгариб, унли товушга ундошнинг аралашувига сабаб бўлади [5.43]. Бундан назаллик белгиси француз тили унлиларининг парадигма аъзолари ўртасида фарқловчи белги сифатида мавжуд деган хулосага келиш мумкин. Француз тили бурун товушлари юмшоқ танглайнинг пастга тушиб, ўпкадан чиқаётган ҳаво оқимининг ҳам бурун, ҳам оғиз бўшлиғи орқали ўтиши натижасида ҳосил бўлади.

Кўпгина француз тилшуносларининг фикрига кўра, француз тилидаги назаллик тарихийдир. Бурун товушларининг келиб чиқиши масаласи кўплаб тилшунос олимларнинг мунозараларига сабаб бўлмоқда. Айрим тилшуносларнинг таъкидлашларича, француз бурун товушлари кельт тили таъсирида пайдо бўлган [6.82]. Бироқ кельт тилининг ўзида ҳеч қандай бурун товуши мавжуд эмас. Бу эса назаллик кельт тили таъсирида эмас, балки лотин тили таъсирида ҳосил бўлган деган фикрларни тасдиқлайди.

Галлия (қадимги Франция – Г.М.) тилида **m** ва **n** бурун ундош товушлари ўзидан олдин келган урғули унли товушларга кучли таъсир этган. Натижада унлиларнинг ўзгариши, бурунлашиши содир бўлган.

Роман тилига ўтиш даври бошларида **a** ва **e** унлилари Франция шимолидаги қуйидаги сўзларда бурунлашган: **gr*ãn*t –** катта , **vē*n*dre** – сотмоқ , **ē*nfãn*t** – бола , **fēme –** аёл ва бошқалар. Бундаги барча бурун товушлари XI аср ўрталарида келиб **ã** бурун товушига бирикади (**v*ãn*dre, *ãnfãn*t, f*ã*me**). XII аср бошларида bon, corone, pome сўзларидаги **o** товуши назаллашган: **bõn** “яхши”, **corõne** “тож”, **põme** “олма” [7.250]. Лекин ҳозирги француз тилидаги **pomme** “олма”, **femme** “аёл” сўзларида бурун товушлари мавжуд эмас. Чунки **m** ундошининг иккиланиши туфайли бурун товуши соф товушга ўрнини бўшатиб берган.

Ҳозирги замон француз адабий тилини ўрганишда бурун товушларининг тарихий ривожланишини билиш муҳим аҳамият касб этади.

а) **i** ва **u** унлиси худди бошқа унлилар сингари XVI ва XVII асрларда [Ɛ̃] ва [œ̃] бурун товушларига ўзгарди. In «вино» prince «шаҳзода», un “бир” ва ҳ.к;

б) қарийб шу даврга келиб **ey** бурун дифтонги тамомила **ẽ** бурун товушига соддалашди: **plein** “тўлиқ”, **teindre** “ бўямоқ”, **pain** “ нон”;

в) ўрта аср француз тилида сўз охиридаги **m** ва **n** товушлари ёки бурун унли товушидан кейин келган ундош товушлар умуман талаффуз этилмай қўйилади. **bon** “яхши”, **pain** ”нон”, **comte** “граф”, **vendre** “сотмоқ” каби сўзлар **bõ, pẽ , kõt, vãdr** (эски француз тилида **bõn, pẽyn, kõnt, vãndr**) каби талаффуз қилина бошлади. Бироқ бурун товушларини батамом ютилиши натижасида ҳозирги француз адабий тилида жарангли бурун товушлари йўқолиб кетган, фақатгина жануб шеваларида озми-кўпми сақланиб қолган. Масалан, **monde** “дунё” сўзи Парижда **mõd,** Тулуза ва Марселда **mõnde,** ҳаттоки **mo͝nde** каби бутунлигича ва биргаликда талаффуз қилинади. Шунга кўра, ҳозирги француз адабий тили лаҳжаларида бурун товушининг турли даражадаги талаффуз жараёнини кузатиш мумкин. Бунда бурун товуши - **N**; **c** – ярим ундош (тўла талаффуз этилмаган), **c** –ундош белгиси билан ифодаланади:

[**mõd**]→[**mõnde**]→[**mo͝nde**]

N→N+c→N+c

г) кейинчалик **n, m+ундош** натижасида бурун товушлари соф товушларга айланди. Ундош товушлар аввалгидек (бурунлашмай): **flamme** “олов”, **couronne** “тож”, **laine** жун (мато)”, **veine** “яшаган”, (қадимги француз тилида flãme, korõne, lẽyne, vẽyne), femme сўзи эса (fẽmina) f*ã*me ва fẽme босқичларидан сўнг ҳозирги кунда [fam] бўлиб, талаффуз этилмоқда. XVII аср ўрталарида **grammaire** (грамматика) сўзи **grãmęr** тарзида талаффуз этилган. Бу эса ҳозирги кунда **grãmęr** сўзи архаик ва ўша давр шевасига хос талаффуз деган қарашга сабаб бўлмоқда. Ҳозиргача жуда кўплаб жанубликлар талаффузларида **année** “йил” (соф товуш) ўрнига **ãne (**бурун товуши**)** тарзидаги талаффуз сақланиб қолган.

Маълумки, француз тилида 4 та бурун товуши мавжуд: [ɑ̃][ɔ̃][Ɛ̃] [œ̃]

[ɑ̃] фонемаси – орқа қатор, очиқ, лабланмаган бурун унли товушидир.

[ɔ̃] фонемаси – орқа қатор, очиқ, бир оз лабланган.

[Ɛ̃] фонемаси – олд қатор, очиқ, лабланмаган бурун унли товушидир

[œ̃] фонемаси – олд қатор, очиқ, лабланган бурун унли товушидир.

Юқоридаги бурун товушларидаги даражаланиш муносабатини кўриб чиқамиз. Лабнинг иштирокига кўра:

[ɑ̃] →[Ɛ̃] →[ɔ̃] → [œ̃]

Лабланмаган →лабланмаган→ ўрта лабланган → лабланган

Пайдо бўлиш ўрнига кўра:

[Ɛ̃] → [œ̃] → [ɑ̃] → [ɔ̃]

олд қатор → олд қатор → орқа қатор → орқа қатор

Француз тили фонетикаси манбаларида барча бурун товушларининг оғизнинг очиқлик даражаси

деярли бир хил “**очиқ**”лик белгиси билан ифодаланади. Ушбу товушларда лабнинг иштирокига кўра турли талаффуз жараёнлари мавжуд экан, товушлардаги “очиқ”лик белгиси ҳам турлича намоён бўлишини аниқлаш мумкин. Чунки [Ɛ̃] фонемасидаги оғизнинг очиқлик даражаси ўртача бўлади. [œ̃] фонемаси эса [Ɛ̃] товушига нисбатан қисман очиқроқдир.

Бурун товушларини талаффуз қилиш жараёнида қуйидаги қоидаларга амал қилиш муҳимдир.

а) сўз охирида келган бурун унлиси ҳар доим қисқа талаффуз этилади;

б) сўз ўртасида келган бурун унлиси доим чўзиқ талаффуз этилади. Солиштирамиз: **Grand** [grã], **grande** [grã:d] , **grandeur** [grã̰:dœ:r]

в) сўз охирида m, n бурун ундошларидан кейин келган бурун товуши ва соф товуш талаффузига алоҳида эътибор бериш керак: don – donne [dɔ̃- d o n], an - année [ɑ̃- a-´ne].

Кўриниб турибдики, юқоридаги бурун товушлари занжирида бири бошқаси билан фонологик белгилар, яъни товушларнинг бири иккинчисига нисбатан овоз миқдорининг кўп ёки камлигига кўра, пайдо бўлиш ўрнига кўра, лабнинг иштирокига кўра,оғизнинг очилиши ва тилнинг кўтарилиши даражасига кўра фарқланади. Бу фарқлар эса ўз навбатида даражаланиш муносабати борлигидан далолат бермоқда.

Хусусан, очиқликдан ёпиқликка, кенгликдан торликка, узунликдан қисқаликка қараб ёки аксинча даражаланишлар француз тили товушлари системасига хосдир. Бу эса француз тилидаги товушлар таллаффузнинг турли даражаларида намоён бўладиган белгиларига кўра ўзаро фарқланишини кўрсатади. Бошқача айтганда, айни бир товушнинг бир неча сўздаги турли белгилари кўп ёки озлигини солиштириш орқали даражаланади.

Адабиётлар:

1. Абдуазимов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Т.: Ўқитувчи, 1992.
2. Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. – Т., 1995
3. Bobojonov Sh., Islomov I. O`zbek tilining so`zlar darajalanishi o`quv lug`ati. – T., 2009.
4. Набиева Д.А. Ўзбек тилининг турли сатҳларида умумийлик-хусусийлик диалектикасининг намоён бўлиши. – Т.: Шарқ, 2005.
5. Андрейчикова Л.П. Француз тили фонетикаси. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
6. Chigarevskaïa N. Traité de phonétique française. – M., 1982.
7. Бурье Э.Основы романского языкознания. – М., 1952.

Андижон давлат университети,
2013 йил 27 августда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.д. Д.Набиева)